

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олниди

№ МУ 3-92

201 7 йил



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта

маҳсус таълим вазирининг

201 7 йил 14.07.2017 даги

сонли бўйруги билан

тасдиқланган

“Телекоммуникация технологиялари”

(“Телекоммуникациялар”, “Телерадиоэшиттириш”, “Мобил тизимлар”)

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини  
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўкув дастури

Тошкент – 2017

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

*Қайта тайёрлаши ва малака ошириши курсининг ўқув дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишилари бўйича ўқув-услубий бирлашималар фаолиятни  
Мувофиқлаштирувчи кенгашининг*

*2017 йил 18. 08 даги 4 -сонли баённомаси билан маъқулланган.*

**Тузувчилар:** “Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари” модули: с.ф.д., проф. И.Эргашев, ф.ф.д., проф. М.М.Қаҳхарова.

“Таълим-тарбия жараёниларини ташкил этишининг конунчилик нормалари” модули: ю.ф.н., доц. В.Топилдиев, ю.ф.н., доц.О.Х.Нарзуллаев.

“Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” модули: п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов, п.ф.н. М.Т.Мирсолиева, ўқитувчилар И.А.Эшмаматов, К.Рискулова.

“Электрон педагогика асослари ва педагогининг шахсий, қасбий ахборот майдонини лойихалаш” модули: ф-м.ф.н., доц. Х.Холмедов, катта ўқитувчилар В.Ҳамидов, М.Файзиева, ўқитувчилар Т.Шаймардонов, А.Обидов.

“Амалий хорижий тил” модули: катта ўқитувчилар, У.Гиясова, Ф.Бойсариева; Ўзбекистондаги Британия Кенгашининг етакчи мутахассислари.

“Олий таълим жараёнини бошқаришида тизимли таҳлил ва қарорлар қабул килиши технологиялари” модули: ф.ф.д., проф. Р.Самаров, п.с.ф.н. Х.М.Алимов, ф.-м.ф.н., доц. А.З.Каримов.

**Маҳсус фанлар бўйича:** Хорижий эксперт: Ли Чул Су (Жанубий Корея).

**Ишчи гурӯҳ:** т.ф.д.проф. Х.Арипов, т.ф.н.доц. Н.Усмонова, т.ф.н. доц. И.Говорилов, катта ўқитувчилар Г.Жўраева, А.Муратова, А.Хатамов,

**Хорижий эксперт:** Ли Чул Су (Жанубий Корея).

А.М.Эшмурадов - “Телекоммуникация инжинииринги” кафедраси мудири, т.ф.н. доцент

**Тақризчилар:**

Ўқув дастури Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Кенгашининг қарори билан тасдиқка тавсия килинган (2017 йил  
даги \_\_\_\_-сонли баённома).

## Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли карорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиккан холда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида кайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни максад килади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хукукий асослари ва конунчилик нормалари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва карор кабул килиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараккиёт ва ўкув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгти ютуклар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоги, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида бериладиган мавзуулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига кўйиладиган умумий малака талаблари ва ўкув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илгор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўкув жараённига кенг татбик этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш хисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўкув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил килиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптималь карорлар кабул килиш билан боғлик компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўйналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиккан холда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига кўйиладиган талаблар ўзгартирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўкув дастури кўйидаги модуллар мазмунини ўз ичига камраб олади:

### **I. Олий таълимнинг норматив хукукий асослари**

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.

## **II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

- 2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.
- 2.2. Таълимда интернет технологиялари.

## **III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникацион технологияларни кўллаш**

- 3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.
- 3.2. Замонавий аудио-видео технологиялар.

## **IV. Амалий хорижий тил**

- 4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуслари.

## **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

- 5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари.
- 5.2. Электр занжирлар ва тизимлар таҳлили.

## **VI. Махсус фанлар**

- 6.1. Телекоммуникация тармоқлари (IMS, NGN).
- 6.2. Мобил алока тизимлари.
- 6.3. Ракамли телевидения.

## **VII. Педагогик амалиёт**

## **VIII. Малакавий аттестация**

### **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муасасалари педагог кадрларни кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўнинка ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг **вазифаларига** куйидагилар киради:

- “Телекоммуникация технологиялари” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўнинка, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш;
- замонавий талабларга мос холда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;
- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;
- маҳсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

- “Телекоммуникация технологиялари” йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чикариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

### **Курс якуннда тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:**

“Олий таълимнинг норматив хукукий асослари”, “Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараённада ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва карор кабул килиши асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талабалар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар куйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- замонавий Интернет тармоклари ва тизимларини тузулиш ва ишлаш тамойилларини;
- коммуникация жараёнлари ва протоколларини ташкил этиш асосларини;
- погонали боғланиш архитектураси амалга оширилиш омилларини;
- ракамли видеонинг хусусиятларини;
- замонавий ракамли аудио-видео курилмалари ва дастурларини;
- ракамли интеграл курилмаларнинг ишлаш механизимларини;
- ракамли интеграл курилмаларнинг характеристикалари ва эквивалент схемаларини;
- наноэлектрон асбоблар, нанотранзисторларнинг ишлаш механизимларини;
- микросхемаларни параметрларини ўтчаҳ ҳамда анализ килиш ва уларнинг характеристикаларини;
- схемотехниканинг истиқболли йўналишларини;
- маълумот узатиш тармокларининг тузилиш принципларини;
- абонент терминаллари, уларнинг параметрларини;
- мультисервисли тармокларнинг тузилиш принципларини ва ривожланиш истиқболлари;
- кейинги авлод тармокларининг архитектураси ва унинг сатхларидағи курилмаларнинг янги хизматларини;
- IMS технологияси асосида конвергенция килинган тармокларни курилиш архитектураси ва тармокдаги протоколларни;
- кенг полосали тармокларда фойдаланиладиган xDSL, FTTx, PON, SDH, DWDM технологияларини;
- Маълумот узатиш ва Интернет ривожланиш тенденциясини;
- Дастурий конфигурацияланадиган тармокларни;
- тўртгинчи ва бешинчи авлод мобил алоқа тизимларининг турлари ва хусусиятларини;
- ракамли телевидение соҳасидаги замонавий технологияларни;

- интерактив телевидение тизимларини;
- MPEG-4 стандарт сикиш форматларини, унинг профилларини ва асосий хусусиятларини;
- уч ўлчовли телевидениянинг амалда кўллаш имкониятларини;
- янги фильм ишлаб чикариш технологияларини;
- телевизион технологияларга оид жараёнларни;
- овоз ва тасвирн ёзиб олиш, қайта ишлаш, саклаш, чоп этиш ва уларнинг математик, ахборот ва дастурий таъминотини;
- ракамли интеграл микросхемалар (IMS) номенклатураси, характеристикилари ва функционал вазифаларини;
- комбинацион ва тадрижий схемаларни лойихалашнинг асосий усулларини;
- замоновий ракамли камералар, овоз ёзиш тизимлар, студиялар ва замоновий ракамли микшер бошкарув пультларда ишлашни;
- 3D форматида тасвирни намойиш этишини;
- замоновий компьютер дастурларини (фотошоп, корелдро, видеомонтаж, аудиомонтаж ва бошқа) **билиши** керак.

**Тингловчи:**

- ахборот-коммуникацияларда ахборот алмашув жараёнларга оид протоколлари билан ишлаш;
- замонавий маълумот узатиш тармоғи базасида электрон таълим платформасини яратиш;
- видео яратишида керакли инструментал дастурий воситаларни ўрнатиш ва видео яратиш;
- овоз учун таҳрирлаш иловасини ишлатиш;
- интеграл микросхемаларни ўлчаш ҳамда анализ килиш;
- ахборот ва коммуникация технологияларида ишлатиладиган ракамли қурилмалар параметрларини амалий ва виртуал дастурий таъминот ёрдамида аниклаш;
- IMS ва кейинги авлод тармоғини структуравий-топологик функционал схемалари ва қурилмалар жойлашишини таҳлил килиш;
- кейинги авлод тармоқларда фойдаланиладиган тармоқ элементларни таҳлил килиш;
- тармоқдаги элементларни веб интерфейс орқали созлаш ва уларга тушаётган юклама ва қурилмалар сонини тӯғри аниклаш;
- кенг форматли ва ракамли телевизион тизимни узатиш ва кабул килиш;
- ракамли телевиденияни сунъий йўлдош, мобил алоқа, кабел тизимлари орқали ташкиллаштириш;
- телевизион сигналларни кодлаш ва декодлаш қурилмаларини ишлатиш;
- маълумотлар узатиш тармоқлари учун техник хизмат ва эксплуатация жараёнларини, конфигурацияланадиган тармоқ элементларига тушаётган юкламани ва қурилмалар сонини тӯғри аниклаш;
- мобил алоқа тизимларининг авлодларини ҳамда замонавий янги технологияларни кўллаш;

- симсиз көнг полосали тизимларни ташкиллаштириш ва режалаштириш;
- ракамли аудиотехниканинг сўнгги ютукларини қиёсий таққослаш;
- комбинацион ва тадрижий схемаларни лойихалашнинг асосий усуллари, улар асосидаги қурилмалар характеристикаларини ўлчаш;
- ракамли ИМС асосидаги қурилмалар параметрларини ўлчаш, носозликларни кидириш, созлаш ва олинган натижаларни тўғри таҳлил килиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

- турли миёсдаги ахборот-коммуникация тизимлар ва тармоқларни қуриш;
- Интернет таълимига оид технологиялар билан ишлаш;
- таълим тизимида замонавий интернет технологияларидан фойдаланиш;
- видео монтаж дастурларида фойдаланувчи интерфейсини яратиш;
- видеода ранглар билан ишлаш;
- ракамли интеграл қурилмаларнинг параметрларини ўлчаш;
- NI Multisim 10 ва Ultiboard 10 мухитларда ракамли электрон қурилмаларини лойихалаштириш;
- кейинги авлод конвергент тармоқларини қуришда қўлланиладиган турли хил технологияларни ва уларнинг хусусиятларини аниқлаш ва таҳлил килиш;
- кейинги авлод тармоқлари ва мультисервисли тармоқларнинг имкониятларини аниқлаш;
- тўртинчи авлод алокা тизимларида ишлатиладиган радиочастоталар ва алока хафғизлигини таъминлаш;
- тўртинчи авлод алокা тизимларини ташкиллаштириш ва режалаштириш;
- ракамли телевидение соҳасидаги замонавий технологияларни баҳолаш;
- ракамли телевизион тизимда ишлатиладиган синхронизация қурилмаларини таҳлиллаш;
- интерактив телевидение тизимларини таҳлил этиш;
- ракамли тасвир сигналларига ишлов бериш ва ўзгартириш;
- вайвлет ўзгартиришнинг асосий хусусиятларини тадқик килиш;
- кинотелемонтажда янги технологиялардан фойдаланиш;
- профессионал медиамонтаж редакторлари ва уларни кўллаш;
- ракамли ўлчов асбоблари ёрдамида қурилмаларни тестдан ўтказиш;
- NI Multisim 10 ва NI Ultiboard 10 мухитларида ракамли электрон қурилмаларни лойихалаштириш;
- Интернет тармоғида фойдаланиладиган қурилмалардаги пакетли трафикларни таҳлил килиш ва лойихаларда фойдаланиш;
- көнг полосали тармоқларни лойихалашда, хизматларни тақдим килишда ва ишлаш сифатини таҳлил қилишда SIP, RTP, RTCP, H.323, MGCP, Megaco/H.248 тармок протоколлари билан ишлаш;
- SIP терминални, IAD, DSLAM, DSL модемни созлаш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

**Тингловчи:**

- ахборот-коммуникацияларда ташкилий ва функционал таъминотини таҳлил қилиш (жумладан, архитектуравий лойихалаш) ва амалга ошириш;
- ракамли аудио-видео курилмалар ва дастурлардан фойдаланиш;
- видеода матнлар ва эффектлардан фойдаланиш;
- ракамли интеграл курилмаларни тўғри танлаш ва характеристикасидан параметрларини тўғри хисоблаш;
- замонавий симулациялардан кенг фойдаланиш;
- маълумот узатиш тармоқларида қўлланиладиган турли хил технологияларнинг оптимал вариантларини қўллаш;
- кейинги авлод тармоқлари ва мультисервисли тармоқларда курилмаларни жойлашишини режалаштириш ва ресурсларни оптимал параметрларини танлаш;
- HD ракамли телекўрсатувларини ташкиллаштириш жараёнини амалиётда қўллаш;
- 3D-моделлаштиришда объектни ҳосил қилиш учун моделлар куриш ва фойдаланиш;
- моделлаш ва тестдан ўткизиш усувларини LabVIEW технологиясида амалга ошириш;
- NetNumen U31 дастурий таъминоти ёрдамида тармоқ элементларини бошқарни ва созлаш;
- тармоқнинг функционал схемалари, абонент кириш тармоқларида қўлланиладиган курилмалар билан жиҳозланган компьютер локал тармоғи, стационар ва IP телефонлар ёрдамида “triple-play” хизматлари (овоzioni, видео ва маълумотлар) ни алмашнувини ташкил этиш;
- DVB ракамли телевидениянинг категориялари, таркибларини ва тизимнинг структурасини амалиётга тадбик этиш;
- дискрет косинус ўзгартиригич асосида сигналларга ишлов беришнинг асосий параметрларини хисоблаш;
- ракамли телевидение стандартларини сунъий йўлдош, мобил аюка, ер усти ва кабел тизимларида тарқатилиш хусусиятларини фарқлаш ва ифодалаш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

### **Курс хаҷми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўкув юкламаси хафтасига 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлик ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффакиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

**“Телекоммуникация технологиялари” йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўкув модуллари ва уларнинг мазмунни**

### **I. Олий таълимнинг норматив хуқуқий асослари**

## **1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия.**

Мустакил демократик тараккиёт ва жамият ривожи. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов асарларида жамият ривожига доир янгича назарий-концептуал ғоялар. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепсияси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев демократик ислоҳотларни изчил давом этириш тўғрисида. Халқ билан мулокот ва инсон манфаатларини химоя килиш – давлат сиёсатини устувор йўналиши. Халқ қабулхоналари ва виртуал марказларининг ташкил этилиши. “Инсон манфаати хар нарсадан улуг”. Халқ давлат идоралари учун эмас, давлат идоралари халқ учун ишланинг зарурлиги. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик раҳбар фаoliyatiining асоси эканлиги. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши, унинг устувор йўналишлари. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида амалга оширилаётган туб демократик ўзгаришлар. Таълим соҳасидаги ислоҳотлар, модернизациялаш ва интеграциялашини жараёнлари. Жамиятдаги ўзгаришларда ёшларнинг иштироки. Ўзбекистон Ёшлар иттифокининг ташкил этилиши ва унинг аҳамияти.

## **1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг қонунчилик нормалари.**

Норматив-хукукий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-хукукий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга киритиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари ва асосий йўналишлари.

Коррупцияга карши курашнинг қонуний асослари ва унинг олдини олишнинг омиллари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга карши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг коидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарорининг мазмун-моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юкори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Карори, 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони, 2016 йил 30 ноябрдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармонига ўзгартириш ва кўшимча киритиш тўғрисида”ги ПФ-4860-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўкув юргидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сонли, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Карор ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиши ва жорий этиш тўғрисида”ти 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўкув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ти 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ти 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга кабул килиш тартиби тўғрисида”ти Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сонли Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти 278-сонли Қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сонли қарорига ўзгаришиш ва кўшимчалар киритиш хақида”ти 3-сонли Қарори, 2015 йил 20 августа “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ти 242-сонли қарори, 2015 йил 2 марта “Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида”ти 36-сонли қарори, 2016 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгаришиш ва кўшимчалар киритиш хақида”ти 136-сонли қарори ва бошқалар.

Давлат таълим стандартлари, ўкув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга кўйиладиган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат килиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ти Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти тўғрисида”ти Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ти Низом. Олий таълим муассасаларида мустакил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ти Низом. “Магистратура тўғрисида”ти Низом. “Очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ти Низом ва бошка месъёрий хужжатлар.

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирилгининг 2016 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгаришиш ва кўшимчалар киритиш хақида”ти 136-сонли бўйруги, 2017 йил 1 марта «Янги ўкув услубий мажмуаларни тайёрлаш бўйича услубий кўрсатмани тавсия этиш тўғрисида»ти 107-сонли бўйруги, 2017 йил 13 марта «Олий таълим муассасалари кафедралари Кенгашларини ташкил этиш тўғрисида»ти 138-сонли бўйруги, 2015 йил 7 апрелдаги “Олий таълим муассасалари талабалари республика фан олимпиадаси тўғрисида”ти 123 -сонли бўйруги, 2017 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида”ти 2017 йил 20 апрелдаги Қарорини ижроси тўғрисидаги 244-сонли бўйруги, 2017 йил 26 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 майдаги 304-сонли Қарори ижроси тўғрисида”ти 342-сонли бўйруги.

## II. Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

## **2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.**

Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари. Инновацион жараёнларнинг кечиши боскичлари.

Олий таълим муассасаларида ўкув жараёнини ташкил этишининг инновацион шакл, метод ва воситалари.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш ва мустакил таълимни ташкил этиши асосидаги инновацион таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, case study (кейс стади), маҳорат дарслари, ассисмент методларидан ўкув-тарбия жараённида фойдаланиш. Ўкув лойихаларини ишлаб чикиш ва амалиётга татбиқ этиши.

Педагог касбий компетентларининг тузилиши ва мазмуни. Педагог психологияк, методик, информацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий кисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулокот услубларини тұғри танлаши ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Аудиторияда шахслараро муносабатларни самарали ташкил этиши ва гурухни оптималь бошқариш. Педагогик низоларни самарали ҳал этиш йўллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий тақомиллаштириб бориши.

Креативлик-педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентликни шакллантиришнинг зарурый шарт-шароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларининг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари.

## **2.2. Таълимда интернет технологиялари**

Таълим жараёнларини тақомиллаштиришда Интернет технологияларининг ўрни. Жамиятни ахборотлаштириш. Таълимни ахборотлаштириш. Интернет технологиялари ва Интернет ресурслари. Интернет таълим. Интернет ташкил этилишининг асослари. Тармок инфраструктураси. Тармокнинг протокол модели. Погонали модел тарьифи. Матъумот алмашинуви. Замонавий интернет тармоги асосида ўкув платформаларини ташкиллаштириш ва тахлил килиш. Таълим тизимида замонавий интернет технологияларидан фойдаланиш. Use-касетар ва тахлилий натижалар.

## **III. Таълим жараённида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш**

### **3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойихалаш.**

Замонавий ахборот- коммуникация технологиялари ва улардан таълим жараённида фойдаланиш имкониятлари.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш. Microsoft Office пакетининг замонавий версиялари таснифи. Microsoft Office пакети

дастурларида (MS Word, MS Excel, MS Power Point ва б.) ўкув-методик материалларини яратиш усуллари.

Web 2.0/3.0 технологиялари. Педагогик дастурий воситалар. Муаллифлик дастурлари (Ispring Free, Articulate ва бошк.) ва улардан фойдаланган холда мультимедиали электрон ўкув ресурсларини яратиш.

Компьютер тармоклари. Интернет технологиялари характеристикаси. Интернет тармогининг асосий хизматлари ва унда мулокот турлари. Интернет ресурсларидан таълимда фойдаланиш. Ziyonet.uz таълим портали. Google асбоб ускуналари ва хизматлари (сервислари)дан фойдаланган холда ўкув жараёнини ва ахборот таълим майдонини лойихалаш. Электрон портфолио ва унда ишлаш технологиялари.

Масофавий таълим ва уни ташкил этиши асослари. Moodle масофавий таълимни бошқариш тизимида ўкув ресурсларини яратиш ва жойлаштириш.

Ахборотга таҳдидлар. Ахборотни ҳимоялашнинг замонавий восита ва усуллари. Идентификация ва аутентификация жараёнлари.

### **3.2 Замонавий аудио-видео технологиялар.**

Ракамли аудио-видео қурилмалари ва дастурлари. Ракамли видеонинг таркибий қисми. Камералар ва уларни баҳолаш. Замонавий аудио қурилмалар ва улардан фойдаланиш. Фильм яратиш технологияси ва уларда фойдаланиладиган технологиялар. Аудио-видео монтаж дастурлари. Видеода ранглар билан ишлаш. Видеода матнлар ва эфектлардан фойдаланиш. Икки ва уч ўлчамли объектларни ракамли тасвирилашнинг алгоритмлари ва усуллари. Таълим жараёнларига мўлжалланган қинотелефилмлар тайёрлаш. 3D- моделлаштириш. Амалий телевидения технологиялари.

## **IV. Амалий хорижий тил**

### **4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.**

Хорижий тилни ўқитиш ва ўрганишдаги ислоҳотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг талкини. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ва тилга оид билим ва кўнімаларни шакллантириш усуллари. Тилни ўрганишда муваффакиятга эришиш шарт-шароитлари: қасбий интерактив мулокот мухити, мулокот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўнімалари даражасини баҳолаш ва бошк. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика-B1-B2 оралигига). Тил ўрганишда ўқитувчи ва ўрганувчиларни роли. Тил ўрганиш учун зарур ўкув-аудио, методик ва онлайн ресурслар Тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини билишнинг аҳамияти. Маданиятларо мулокот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урфодатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш).

Мулокот мавзулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оила ҳақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва хоказо) ижтимоий ҳаётга доир, таълимга ва қасбга йўналтирилган мавзулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқиши, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўкув жараёнини ташкил этишида соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

## V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари

### 5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари.

Тизимли таҳлил назарияси фанларо назария сифатида. Тизим ва тизимнинг белгилари. Тизимлар классификацияси. Тизим структураси. Тизимли таҳлилнинг мақсади ва вазифалари. Тизимли синтез. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил. Педагогик тизим ва унинг тузулиши. Педагогик вазиятларнинг тизимли таҳлилини амалга ошириш. Тизимли таҳлилни амалга оширишнинг асосий босқичлари. Тизимли таҳлилни амалга ошириш моделлари. Тизимли таҳлилни амалга ошириш методлари.

Қарор тушунчаси ва унинг асосий вазифалари. Қарор турлари ва уни қабул қилиш усуллари. Қарорларга кўйиладиган асосий талаблар.

Қарор вариантларини тайёрлаш технологияси. Қарор қабул қилиш жараёни ва педагог шахси. Қарорларни қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар. Педагогик жараёни бошқаришда қарорларнинг ўрни. Қарор натижаларини баҳолашнинг экспертизи ва прогностик методлари. Қарорлар самарадорлигини баҳолаш мезонлари. Қабул килинган қарорлар ижросини таъминлаш механизми. Педагогик фаолиятда қарор қабул қилиш технологияси. Қарорлар ижросининг назорати.

### 5.2 Электр занжирлар ва тизимлар таҳлили

Микросхемотехника ва наноэлектроника. Аналог ва ракамли схемаларнинг замонавий элемент базаси. Юқори интеграция даражали интеграл схемалар. Наноэлектрониканинг физик асослари. Наноэлектрон асбоблар ва тизимлар. Квант компютерлар. Симсиз наноэлектрон тизимлар. Наноэлектрон тизимлар истиқболли йўналишлари. Замонавий ракамли ўлчаш усуллари. Моделлаш ва тестдан ўтказиш усулларини LabVIEW технологиясида амалга ошириш. Компьютер графикаси мухитида виртуал асбобларни лойиҳалаштириш. Ракамли ўлчов асбоблари ёрдамида курилмаларни тестдан ўтказиш. NI Multisim 10 ва NI Ultiboard 10 мухитларида ракамли электрон курилмаларни лойиҳалаштириш. Ракамли электрон курилмаларни ишлаб чикариш.

## **VI. Махсус фанлар**

### **6.1. Маълумот узатиш тармоклари (IMS, NGN)**

IMS тармогининг функционал архитектураси. Турли операторлар тармокларининг конвергенцияси. Хизматларни бошқариш инфраструктураси сатҳлари ва протоколлари. Кейинги авлод тармокларнинг технологиялари. NGN тармоғи сатҳлари ва хизмат турлари. Мобил ва симли тармокларнинг конвергенцияси. IMS тармогидаги серверларнинг вазифалари. Кейинги авлод тармоғи архитектураси ва унинг сатҳларидаги элементларнинг вазифалари. Мобил ва симли тармокларнинг конвергенцияси. IMS архитектураси. IMS хизматлари. Абонент кириш тармогида кенг полосали тармокнинг структураси. Абонент кириш тармоклари xDSL, FTTx – оптик кириш структураси характеристикаларини таққослаш. MSAN курилмаси асосида курилган кириш тармогининг ривожланиши. Triple-Play хизматлари – видеоалоқа, ҳабар узатиш ва овозли сигнал узатиш. Маълумотлар саклаш тармоги. Кенг полосали тармок хизматлари протоколлари RTP, RTCP, SIP, H.323. Транспорт тармоклари SDH, DWDM тузилиши ва характеристикаларини таққослаш.

### **6.2. Замонавий мобил алоқа тизимлари.**

Мобил алоқа тизимининг ривожланиши. Кенг полосали мобил алоқа кириш тармоклари. 4G - тўртинчи ва кейинги авлод мобил алоқа технологиялари ва стандартлари. Мобил алоқа тизимларида қўшимча хизматлар. Радио кириш тармогида частоталардан унумли фойдаланиш ва интерференцияни бартараф этиш. Радио кириш тармогини лойиҳалаш ва оптималлаштириш принциплари. Турли мобил алоқа тизимларда физик ва логик каналларни таққослаш.

### **6.3. Замонавий телерадиоэшиттириш тизимлари.**

Замонавий кенг форматли ва ракамли телевизион тизимнинг узатиш ва қабул килиш жараёнлари. Ракамли телевиденияда ТВ сигналнинг тузилишини, ракамли модуляция турлари. MPEG-2, MPEG-4 стандарт сикиш форматларини, унинг профилларини ва асосий хусусиятларини ўрганиш. Уч ўлчовли телевидениянинг амалда кўллаш имкониятлари. Ракамли телевидениянинг сунъий йўлдош, мобил алоқа, кабел тизимлари орқали ташкиллаштириш хусусиятлари. DVB ракамли телевидениянинг категориялари, таркибларини ва тизимнинг структурасини амалиётга тадбик этиш. DVB, ATSC ва ISDB стандартларида сигналларнинг пакет тузилиши, уларни шакллантириш, қайта ишлаш ва узатиш хусусиятлари. Таасир сигналини шакллантиришнинг алгоритми. Ракамли сигнални шакллантириш. Телевизион сигнални ракамли тасвирлаш. Ракамли ТВ сигнални узатиш тезлиги. ТВ тасвир сигналларини сикиш стандартлари. Телевизион сигнални кодлаш. Канални кодлаш.

## **VII. Педагогик амалиёт**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очик маъruzалар ва амалий машгулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларнинг мухокама қилиниши ва танкидий таҳлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиккан ҳолда олий таълим муассасаларининг тегишли профиль кафедраларида ташкил этилади.

### **Амалий машгулотларни ташкил этиш бўйича қўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машгулотларда тингловчилар ўкув модуллари доирасидаги ижодий топшириклар, кейслар, ўкув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлик вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машгулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташкари, мустакил ҳолда ўкув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Мустакил таълимни ташкил этишининг шакли ва мазмуни**

Мустакил таълим тегишли ўкув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириклар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши (войиха иши) ни тайёрлади.

Битирув иши (войиха иши) талаблари доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс берадиган фани бўйича электрон ўкув модулларининг тақдимотини тайёрлади.

Электрон ўкув модулларининг тақдимоти куйидаги таркибий кисмлардан иборат бўлади:

Кейслар банки;

Мавзулар бўйича тақдимотлар;

Бошка материаллар (фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи кўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошк.)

Электрон ўкув модулларини тайёрлашда куйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия килинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;
- соҳа тараққиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;
- мутахассислик фанларидаги инновациялардан ҳамда илгор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустакил таълим жараённида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўкув-методик ресурсларини “Электрон потрфолио” тизимига киритиб бориши лозим.

## **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиш жараённида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантидаги манбаалардан фойдаланилади.

## **Адабиётлар**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008.–176 б.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011.–440 б.

3. Каримов И.А. Она юртимиз баҳти икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2015.– 302 б.

4. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга курамиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига багишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутки. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016.– 56 б.

5. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараккиёти ва ҳалқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 24 йиллигига багишланган тантанали маросимдаги маъруzasи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 1026.

7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга курамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

## **II. Норматив-хукукий ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-кувватлаш тўғрисида”ги 5106-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта

тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4732-сон Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга карши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг коидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли карори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли карори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли карори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 27 февралдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳакида”ги 103-сонли карори.

### III. Махсус адабиётлар

1. Diane Belcher, Ann M. Johns, Brian Paltridge. New directions in English for specific purposes research. The University of Michigan Press. 2011.
2. Ишмухamedов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Ниҳол” нашриёти, 2013, 2016.–279б.
3. Karimova V.A, Zaynudinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari.– Т.: “O’zbekiston faylasuflar milliy jamiyatni nashriyoti”, 2014.–192 б.
4. Michael Swan, Catherine Walter. The Good Grammar Book. Oxford, 2001.
5. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании: Учебное пособие.–М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана,2002.-336с.
6. И. Педагогика. Новый курс: учебник для студ. педаг. вузов. - в 2-х кн. – М.: ВЛАДОС, 1999. – 567 с.
7. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. д.т.н., проф.В.В.Попова, акад.РАО Ю.Г.Круглова.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.–319 с.:ил.
8. Peter Master. English Grammar and Technical Writing. Regional Printing Center. 2004

9. Сергеев И.С. Основы педагогической деятельности: Учебное пособие.– СПб.: Питер. Серия “Учебное пособие”, 2004–316 с.: ил.
10. Сурмин Ю.П. Теория систем и системный анализ: Учебное пособие.– Киев:” “МАУП”, 2003.– 242с.
1. G’ulomov S.S., Begalov B.A. Informatika va axborot texnologiyalari.– T.: Fan, 2010.–686с.Ракамли телевидение// X.C.Соатов таҳрири остида Ўқув кўлланма. Т.: 2015.
2. James F. Kurose, Keith W. Ross. Computer Networking A Top-Down Approach. Pearson Education, United States 2013.
3. Sonja Schenk and Ben Long. The Digital Filmmaking Handbook Fourth Edition. New , United States March 2012.
4. Stephen Brown and Zvonko Vranesic. Fundamentals of Digital Logic with Verilog Design. The McGraw-Hill Companies United States 2012.
5. Robert L Boylestad, Twelfth Edition. Introductory Circuit Analysis. Pearson Education, United States 2014.
6. Georg Mayer. The IMS. IP multimedia concepts and services, third edition. John Wiley, United Kingdom 2009.
7. Abd-Elhamid M. Taha. LTE, LTE-Advanced and WiMAX Towards IMT-Advanced Networks. Wiley, United States 2012.
8. Jian Song, Zhixing Yang. Digital Terrestrial Television Broadcasting: Technology and System. Wiley-IEEE Press, China 2015.

#### **IV. Электрон таълим ресурслари**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси: [www.aci.uz](http://www.aci.uz).
3. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофикалаштирувчи кенгаш: [www.ictcouncil.gov.uz](http://www.ictcouncil.gov.uz).
4. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
5. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz).
6. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
7. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>
8. <http://learnenglishteens.britishcouncil.org/>
9. <http://wiley.com>
10. <http://nptel.ac.in>

**“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:**

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар  
кадрларни кайта тайёрлаш ва ғуларнинг  
малакасини оширишни ташкил этиш  
Бош илмий-методик маркази

Директор \_\_\_\_\_ У.Ш.Бегимкулов

“ ” 201 \_\_\_ й.

М.ў.



**“КЕЛИШИЛГАН”:**

Янги дастурлар ва ўқув адабиётларнинг жорий  
қилинишини назорат килиш Бош  
бошкармаси

Бошкарма бошлиги О.И.Исмоилов

“ ” 201 \_\_\_ й.

М.ў.



Муҳаммадия Хоразмий номидаги  
Тошкент ахборот технологиялари  
университети

Ректор \_\_\_\_\_ Т.З.Тешабаев

201 \_\_\_ й.

М.ў.



Директор \_\_\_\_\_ А.Б.Раджисев

201 \_\_\_ й.

М.ў.